

ТОВАР БЕЛГИЛАРИГА НИСБАТАН ПАРАЛЛЕЛ ИМПОРТ: ХУҚУҚИЙ НАЗАРИЯ ВА ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ

Ўтапов Фурқат Исламович

*Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Тошкент вилояти бўйича бошқармаси масъул ходими*

Аннотация: Ушбу мақолада индивидуаллаштириш воситалари ичида энг қўп ҳуқуқий муомилада бўладиган товар белгиларига нисбатан параллел импорт билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар ёритилган. Хусусан, бунда Ўзбекистонда аҳолини сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан таъминлаш борасидаги Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳияти ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, бунда ТРИПС келишувининг аҳамияти юзасидан фикрлар ҳамда таҳлиллар билдирилган. Мақолада, шунингдек муаллиф томонидан товар белгиларига нисбатан параллел импорт тушунчаси тегишли қонунчилик нормаларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар бўйича илмий-назарий хулосалар қилинган.

Калит сўзлар. интеллектуал мулк, товар белгиси, параллел импорт, “биринчи сотув доктринаси”, “ҳуқуқларни тугаши”, божхона органлари, ТРИПС битими.

Бугунги кунда Ўзбекистонда шиддат билан давом эттирилаётган ислохотлар самарасини ҳозирда жамиятининг ҳар бир жабҳасида, шунингдек ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва халқаро муносабатларида, энг асосийси халқимизнинг осойишта ҳаётида кўришимиз мумкин. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”нинг 3-йўналиши “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” деб номланиб, ушбу йўналишда бир сўз билан айтганда давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада кучайтиришга қаратилган мақсадлар белгиланган²².

Ўзбекистон Республикаси томонидан очиқ ва прагматик ташқи сиёсат олиб борилиши ўз-ўзидан хорижий давлатларнинг давлатимиз билан ҳамкорлик йўналишларини янада кенгайтиришга бўлган қизиқишлари, чет эл инвестицияларининг салмоғи ошишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш ва сифатли амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июндаги “Ўзбекистон

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>

Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-181-сон қарори²³ фикримизнинг исботидир. Маълумки, Жаҳон савдо ташкилоти давлатлараро кўп томонлама савдо тизимини мувофиқлаштириб турувчи нуфузли халқаро тузилмадир. Дунё савдосининг 95 фоизи унга аъзо 164 та мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Ташкилотнинг асосий вазифаси – эркин ва шаффоф савдо муносабатларини тартибга солиш ва уни кенгайтириш орқали аъзо мамлакатлар барқарор тараққиётини таъминлаш ва инсонлар турмушини яхшилаш ҳисобланади. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга тўлиқ мос келади. “Маълумки, ЖСТ жаҳон иқтисодий тизимидаги халқаро глобал ташкилот ҳисобланиб, жаҳон савдосининг

90 фоизидан ортиғи айнан ЖСТ доирасида олиб борилмоқда. Шу сабабли ҳам мазкур халқаро ташкилотга аъзо бўлиш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда”²⁴.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ҳудудида истеъмол бозорларда аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда маҳаллий корхоналарга сифатли маҳсулотларни импорт қилишда шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Аҳолини халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳаллий корхоналарнинг глобал қўшилган қиймат занжирларига кириши учун қўшимча шароит яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПҚ-393-сон қарори қабул қилинганлиги²⁵ ҳамда унинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 9 мартдаги 99-сонли қарори асосида Халқаро брендлар товарларининг айрим турларини бренд эгалари ёки уларнинг ваколатли етказиб берувчилари (расмий дистрибьюторлар, дилерлар, ишлаб чиқарувчиларнинг савдо вакиллари ва уларнинг дистрибьюторлари, лицензиатлари) билан тузилган тўғридан-тўғри шартнома асосида импорт қилувчилар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилганлиги юқорида келтириб ўтилган фикримиз исботидир.

Мамлакатимиз аҳолисининг турмуш тарзини янада яхшилаш ҳамда уларга сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, бундан ташқари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар “бренд”ини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида ўз мавқеига эга бўлишида кўмаклашишда хорижий тажрибаларни ўрганишимиз ва қонунчилигимизга татбиқ этишимиз мақсадга мувофиқ.

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-181-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2023 й., 07/23/181/0328-сон. <https://lex.uz/ru/docs/6480161>

²⁴ Тўракулова Н., Юлдашов А. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиш механизмининг такомиллаштиришда халқаро шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Conferencea. – 2022. – С. 467-471.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Аҳолини халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳаллий корхоналарнинг глобал қўшилган қиймат занжирларига кириши учун қўшимча шароит яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-393-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.10.2022 й., 07/22/393/1146-сон. <https://lex.uz/docs/6235546>

Бу борада ЖСТни таъсис этувчи 1994 йилдаги Уругвай раундида қабул қилинган халқаро келишувлардан бири Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти бўйича битим (ТРИПС)ни келтириб ўтишимиз лозим. ТРИПС битими ЖСТни ташкил этувчи ҳужжатлар тўпламининг бир қисми бўлган халқаро шартнома ҳисобланади ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг минимал стандартлари ва механизмларини белгилашга хизмат қилади. Битим халқаро савдонинг ривожланишидаги тўсиқларни бартараф этиш билан бирга интеллектуал мулк объектларини самарали ҳамда етарли даражада ҳимояни таъминлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Бу борада айниқса, товар белгиларига нисбатан ҳуқуқий ҳимоя билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этади. ТРИПС битими бунда нафақат товар белгиси эгасининг ҳуқуқларининг устуворлигини, балки “ҳуқуқларни тугаши”, “биринчи сотув доктринаси”, “параллел импорт” билан боғлиқ нормаларни амалиётда қўллаш масалаларини тартибга солган. Хорижий амалиётда аҳолига сифатли маҳсулотларни етказиб бериш ҳамда сифатли хизмат кўрсатишда “параллел импорт” юзасидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда савол туғилади “параллел импорт” нима ва бу истеъмолчиларга ҳамда ишлаб чиқарувчиларга қандай қулайлик ва имкониятлар яратади? “Параллел импорт” тушунчаси бўйича олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Хусусан, Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Молия университетининг Новороссийск филиали олими, и.ф.н. И.Н.Воблаянинг фикрича, “параллел импорт”нинг моҳияти шундаки, асл товарлар унинг эгасининг рухсатсиз мамлакатга олиб кирилади. Бироқ, биз барча маҳсулотлар ҳақида гапирмаяпмиз, фақат Россияда рўйхатдан ўтган ва тегишли товар белгиси билан ҳимояланган маҳсулотларни назарда тутябмиз. Агар ишлаб чиқарувчи Россияда товар белгисини рўйхатдан ўтказмаган бўлса, унда олдин рухсат керак эмас эди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, “параллел импорт” бу сохта ёки қалбаки товарларни олиб кириш эмас, балки айнан ишлаб чиқарувчи томонидан истеъмолга чиқарилган корхона ёки унинг номидан иш олиб бориш ваколатига эга бўлган ваколатли шахс томонидан “асл” товарларни олиб кириш деб тариф берган. Ҳиндистонлик ҳуқуқшунослар Ашутос Кейн ва Сакши Панденинг фикрича, “параллел импорт” бу ҳуқуқ эгасидан товарни қонуний равишда сотиб олинган ва кейинчалик бир хил ёки бошқа бозорда рухсатсиз савдо каналлари орқали арзонроқ нархларда сотиладиган ҳақиқий товарлар деб тариф берган²⁶.

Бизнинг фикрмизча, “параллел импорт” деганда, товар белгиси эгасининг рухсатсиз “биринчи сотув доктринаси”дан кейин маҳсулотларнинг мамлакатга бепул кириши тушунилади. Товарларни олиб кириш бу ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли ҳамкорлари ёки расмий дистрибьюторлари томонидан эмас, балки

²⁶ Ashutosh Kane, Sakshi Pande. Parallel import issues under Indian trademark law. <https://www.iam-media.com/article/parallel-import-issues-under-indian-trademark-law>

бошқа ҳар қандай шахслар томонидан товарларни реализация қилишни тушунамиз.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “параллел импорт”га оид аниқ ҳуқуқий нормалар қабул қилинмаган фақатгина Фуқаролик кодексининг 1107¹-моддасида бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмаслиги белгиланган.

Ушбу норманинг мазмунидан шуни тушунамизки, товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқ товар белгилиси эгаси томонидан унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига киритилган товарларни қамраб олади. Товарни импорт қилувчи учинчи шахслар товар белгиси эгаси уларни фуқаролик муомаласига ёки унинг розилиги билан киритилганлиги тўғрисида далилларни тақдим этишлари шарт.

Шунингдек, ТРИПС битимининг 58-моддасида (“ex-officio” ҳаракати) аъзо давлатларнинг ваколатли органида интеллектуал мулк ҳуқуқини бузилиш ҳолатлари бўйича етарли асослар мавжуд бўлса, ўз ташаббуси билан бундай товарларга нисбатан чора кўриш ваколатига эгалиги белгиланган²⁷. Бунда, импорт қилувчи ва товар белгиси эгаси дарҳол товарни эркин муомилага чиқариш тўхтатилганлиги юзасидан хабардор қилинади. Агар импорт қилувчи томонидан товарни эркин муомилага чиқариш тўхтатиб турилишига эътироз билдирилса, бундай тўхтатиш битимнинг 55-моддада кўрсатилгандек, *mutatis mutandis* шартлари асосида тўхтатилади. Битимнинг 59-моддасига (*Суд томонидан ҳимоя қилиш воситалари*) асосан интеллектуал мулк объектларига (*контрафакт товарларига нисбатан*) бўлган ҳуқуқлар суд органлари томонидан ҳимоя қилиш мақсадида кўриб чиқилиши кўрсатиб ўтилган.

Таъкидлаш лозимки, хорижий тажрибада “параллел импорт”ни ривожлантириш ҳамда тартибга солишда божхона органларининг роли алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Масалан, Хитой Халқ Республикасида халқаро ҳуқуқларнинг тугаши тамойилига амал қилиниб, унга кўра, ҳуқуқ эгаси маҳсулотини ҳар қандай мамлакатда реализация қилганидан сўнг, маҳсулотга нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи тугайди ва маҳсулотнинг янги эгаси уни фуқаролик муомаласига, давлат чегаралари орқали олиб ўтишга ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли ҳисобланади.

Европа Иттифоқи эса давлатларида “параллел импорт”га нисбатан интеллектуал мулк эгасининг ҳуқуқлари бузилиши дея баҳоланади ва бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунчиликка асосан таъқиқланади. Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи (ЕОИИ) давлатларида эса “параллел импорт” долзарб масала бўлиб, Россия Федерацияда уни қонунийлаштириш масаласи ўрганиб чиқилмоқда ва Иттифоққа аъзо давлатларда “Ягона божхона реестри” юритилади. Бандан ташқари, ҳар бир аъзо давлатда алоҳида миллий божхона

²⁷ Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. https://wipolex-res.wipo.int/edocs/treaties/ru/wto01/trt_wto01_001ru.pdf

реестрлари ҳам мавжуд. ЕОИИ Божхона кодексининг 385-моддасига мувофиқ, ҳар бир реестрга киритилиши бўйича берилган аризада келтирилган интеллектуал мулк объекти учун мазкур объектни ҳимоя қилиш жараёнида импорт қилувчига (экспорт қилувчи) етказилган зарарни қоплаш учун амалдаги курс бўйича 10 минг евро эквивалентидаги тўлов таъминотини тақдим этиши белгиланган²⁸.

Ўзбекистонда бугунги кунга қадар ҳуқуқ эгалари томонидан божхона органларига интеллектуал мулк объектларига нисбатан чора кўриш бўйича тақдим этилаётган аризалар асосан учинчи шахслар томонидан ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз асл товарларни олиб келишини тўхтатиш билан боғлиқ мурожаатларни ташкил этмоқда, яъни товарларда “контрафакт” ёки “сохталаштириш” аломатлари мавжуд эмас. *(божхона органларига чора кўриш бўйича тақдим этилаётган аризалар асосан мутлоқ ҳуқуқ бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни ташкил этади, амалиётида бу каби ҳаракатлар “параллел импорт” деб номланади ва бугунги кунга қадар “параллел импорт” тушунчасига миллий қонунчиликда аниқ таърифлар берилмаган).*

Юқорида таъкидланганидек, Фуқаролик кодексининг 1107¹-моддасида бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмаслиги белгиланган. Бундан келиб чиқиб, амалиётда суд органлари томонидан ушбу товарларни чиқариб юборишга рухсат берилмоқда, бунда импорт қилувчи томонидан кўрилган зарар *(божхона омборида сақлаш, шартномани ўз вақтида бажармаслик, харидорни йўқотиш, маънавий зарар)* ҳуқуқ эгаси томонидан қоплаб берилмаяпти. Чунки импорт қилувчи кўрилган зарарни қоплатиш учун суд органларига алоҳида мурожаат этиши лозим бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги ПҚ-221-сон қарори билан 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, божхона органлари томонидан Реестрга киритилган интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини қуйидагича ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилди:

- божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнида интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилганлиги аломати аниқланганда, ҳуқуқ эгасини хабардор қилиш;
- Реестрга киритиш тўғрисидаги аризаларни электрон тарзда юбориш ва қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш босқичларини онлайн равишда кузатиб бориш.

Хулоса сифатида такидлаш лозимки, Ўзбекистонда ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқарувчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида миллий қонунчилигимизга интеллектуал мулк

²⁸ Таможенный кодекс ЕАЭС. https://eec.eaeunion.org/comission/department/dep_tamoj_zak/tk_eaes.php

соҳасидаги халқаро нормалар ва ЖСТнинг интеллектуал мулк бўйича халқаро шартномалари нормаларидан келиб чиққан ҳолда, “ex officio” тартибини жорий қилиш, монополияни ва товарларни ноқонуний кириб келишини олдини олиш мақсадида товарларни тўхтатишдан аввал ҳуқуқ эгалари томонидан мулкый зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги мажбуриятнома тақдим этиш масаласини кўриб чиқиш лозим бўлади. Бундан ташқари, ЖСТга аъзолик жараёнида миллий қонунчилигимизга ТРИПС битими нормаларини уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади²⁹.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-181-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2023 й., 07/23/181/0328-сон. <https://lex.uz/ru/docs/6480161>
3. Тўракулова Н., Юлдашов А. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришда халқаро шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Conferencea. – 2022. – С. 467-471.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Аҳолини халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳаллий корхоналарнинг глобал қўшилган қиймат занжирларига кириши учун қўшимча шароит яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-393-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.10.2022 й., 07/22/393/1146-сон. <https://lex.uz/docs/6235546>
5. Ashutosh Kane, Sakshi Pande. Parallel import issues under Indian trademark law. <https://www.iam-media.com/article/parallel-import-issues-under-indian-trademark-law>
6. Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. https://wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt_wto01_001ru.pdf
7. Таможенный кодекс ЕАЭС. https://eec.eaeunion.org/comission/departament/dep_tamoj_zak/tk_eaes.php
8. Yuldashov A. Intellectual property law policy in Uzbekistan //Global Scientific Review. – 2023. – Т. 12. – С. 80-85.

²⁹ Yuldashov A. Intellectual property law policy in Uzbekistan //Global Scientific Review. – 2023. – Т. 12. – С. 80-85.

9. Юлдашов, А. (2020). Важность международных рейтингов и индексов в области интеллектуальной собственности. Обзор законодательства Узбекистана, (3), 117–119. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/uzbek_law_review/article/view/1870